



Tadqiqot UZ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№20

30 сентябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 20-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
7-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
20-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-7**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
20-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-7**

ТОШКЕНТ-2020

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎЛИДАГИ ТАДҚИҚОТЛАР

1. Азимов Улугбек Самадович СЎФИЗМДАН ТАЪСИРЛАНГАН ДОРИС ЛЕССИНГ ИЖОДИ	9
2. Berdiyeva Munira O'tkirovna "THE ROLE OF TOURISM IN THE WORLD COMMUNITY"	12
3. Bo'riyeva Madina "KICHIK YOSHDAGI BOLALARGA INGLIZ TILINI O'RGATISHNING INNOVATION USULLARI"	13
4. Azizova Dilnoza Muhtarbekovna O'ZBEK SHE'RIYATIDA AYOL OBRAZI TALQINLARI	14
5. Egamberdiyeva Gulasal Zarifovna PISA TESTLARIDA MATN YARATISHNI O'RGATISH.....	17
6. Шухратхон Имяминова HEMIS TILIDA ФРАЗЕОЛОГИК ПОЛИСЕМИЯ.....	19
7. Sanoqulova Mohinbonu Sharopovna "YOSH TIL O'RGANUVCHILARGA INGLIZ TILI ALIFBOSINI O'RGATISHDA "COMPARISON" METODINING AHAMIYATI"	21
8. Xajiyeva Nodira Abdunazarovna, Ataulloyev Fazliddin Fabridin o'g'li "INCREASING THE INNOVATIVE ACTIVITY OF YOUNG PEOPLE, RAISING THEIR MORALE AND ACHIEVEMENTS IN THE FIELD OF SCIENCE"	23
9. Ахмедова Магрурахон Журахановна, Мадумарова Дилфуза Иномжоновна ВИДЕОМАТЕРИАЛ КАК СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	24
10. Рахимова Феруза Мухтаровна, Газиева Ёркиной Каримжоновна ОБУЧЕНИЕ РУССКОМУ ЯЗЫКУ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЭЛЕМЕНТОВ СИТУАТИВ- НОЙ НАГЛЯДНОСТИ.....	26
11. Abduraxmonova Nadicha Urazovna "NEW AND MODERN TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES"	28
12. Содикова ДжамилА Муминовна «ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ СТУДЕНТОВ РУССКОМУ ЯЗЫКУ, ПОВЫШЕНИЕ ИНТЕРЕСА»	29
13. Yo'ldosheva Gulnoza Toliyevna "ONA TILI FANINI O'QITISHDA YANGI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH, TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH"	30
14. Mo'minova Xumora Abdukarim qizi YAPON VA O'ZBEK TILLARIDA FONETIK VOSITALARNING FUNKSIYALARI VA STRUKTURALARI	31
15. Ramazonova Maftuna Husen qizi THE USE OF ICT IN ENGLISH LESSONS AT SCHOOLS.....	33
16. Xolmonova Sadoqat KVAZIOMONIMLAR (MINIMAL JUFTLIKLAR) VA ULARNING BOSHQA BIRLIKLAR BILAN MUNOSABATI.....	35
17. Ахмадова Умидахон Шавкат кизи ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ НУТҚИДА ПЕРИФРАЗЛАР	37
18. Комилова Лола Носиллоевна ТЕСТОЛОГИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ.....	39
19. Ёқубова Севара Бахтиёревна АБСТРАКТ СИФАТЛАР ТАСНИФИ.....	41



ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ НУТҚИДА ПЕРИФРАЗЛАР

*Аҳмадова Умидахон Шавкат қизи,
Бухоро давлат университети,
Ўзбек тилишунослиги кафедраси ўқитувчиси
Телефон: +998(91) 244 91 45
u.s.ahmadova@buxdu.uz*

Аннотация: Мақолада жамиятнинг муҳим соҳа вакиллари ҳисобланган шифокор нутқида перифрастик бирликларнинг қўлланиши, безаши, бойитиши, алоқа-аралашувини таъминлаши, кундалик мулоқотнинг асосий воситаси ҳисобланиши тиббий бирликлар мисолида асосланган.

Калит сўзлар: перифраза, тасвирий ифода, нутқ, нутқий мулоқот, жамият, социал, муомала, маданият, касб, турмуш тарзи, тил, тилшунослик, тиббий мулоқот.

Чиройли, жозибатор, маънили, ёқимли нутқ барча замонларда ҳам инсон зотини ўзига жалб эта олганлиги, шундай нутқ эгалари халқ орасида воизлар, нотиклар, суҳандонлар сифатида кадрланиб келинганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Бугунги давр талаби юзасидан ёндашадиган бўлсак, барча касб эгалари ўз соҳасида муваффақиятга эришишни истаса энг аввало, нутқини таъсирли ҳамда эшитимлилигини таъминлай олиши зарур. Шундай экан, сўз, нутқ, жумла шифокор билан бемор алоқасини ўрнатишда муҳим аҳамият касб этадиган, даволаш ишларида муваффақиятга эришишга ёрдам берадиган воситадир. Мана шундай воситалардан бири перифразалардир. Инсон саломатлигини сақлаш учун курашувчи мазкур соҳа вакиллари нутқида ҳам мурожаат алоқаси сифатида перифрастик бирликлар кўмакка келаётганлигига гувоҳ бўламиз. Аввало, соҳа вакилларининг ўзларига нисбатан *саломатлик посбонлари, оқ халат соҳиблари, Гипократ қасамини ичганлар, шифо соҳиблари, Ибн Сино издошлари* (шифокорлар) каби перифразалар ишлатилиши шу соҳа вакилларининг жамиятимиз тараққиётида ўрни бениҳоя катта эканлигидан далолат беради. Бетакрор, гўзал, жимжиматор, тенгсиз хазина бўлган тилимиздаги тиббий перифразаларни қуйида келтирилган мисоллар орқали далиллашга ҳаракат қиламиз. Масалан:

Медицина фанлари кандидати Мурад Али саккиз ойдан бери ўлим тўшағида «ана кетди, мана кетди» бўлиб ётар, шаҳарнинг ман-ман деган тиб арбоблари унинг чиқай-чиқай деб турган жонини минг чора ва тадбир билан ҳалқумида зўрга тутиб туришар эди [1, 3].

Тана шундай буюк устун эканки, у бизни сақлаб туради («Саломатлик сирлари» кўрсатувидан).

Тутқаноқ хуружидан икки-уч дақиқа олдин кузатиладиган даракчи белгилар тиббиётда атра деб аталади, унинг бир нечта турлари бор [2, 8].

Тугруқхоналарда чақалоқни тугилган заҳоти она бағрига босиши ва кўкрак сути билан озиқлантириши йўлга қўйилди [2, 8].

Онага табиат томонидан тухфа этилган бу мўъжизавий неъмат миттивой вужудида енгил ҳазм бўлиб, унинг соғлом ривожланишида катта аҳамият касб этади [2, 8].

Бола тугилиши билан илк ярим соат ичида уни эмизишга ҳаракат қилиши лозим. Бунда оғиз сути келади. У тўқ сариқ рангда бўлиб, бошида 1-2 томчидан келиши мумкин. Оғиз сути ёрдамида боланинг стерил ичакларига муҳим фойдали бактериялар экилади ва бу жуда муҳим жараён ҳисобланади [2, 8].

Тана қироли инсон бутун вужудини бошқарувчи вазифасини бажарибгина қолмай, ҳаёт йўлини белгилаб берувчи омил ҳисобланади («Саломатлик сирлари» кўрсатувидан).

Бош врачнинг хонасида ўтирганида даволовчи доктор тиб илмига хос тилда хасталик сабабларини баён қилди. Унинг гаплари Асадбекнинг қулогига кирмади [3, 339].

Бутун дунёни қамраб олган совид 19 вирусини бугунги вақтга келиб мутахассислар тоғдор вирус деб аташмоқда (Ҳамшира Ҳанифа Ҳотамова нутқидан).

Қанча давом этишини билмадим, бу тушсиз уйқу балки узоқ, балки қисқа вақтгача давом этар (Сўзлашувдан).

Ўпка инсон учун ширин нафас соҳиб бўлиб, у инсонни, танани тоза ҳаво билан тўйинтиради («Пулс 11 41» кўрсатувидан).



*Инсон учун бел қадди-қомат тахти ҳисобланади. Шу тахни асраб, вақтида да-
воламасак кўплаб дардларнинг юзага келишига сабаб бўлади («Саломатлик сирлари»
кўрсатувидан).*

Қулоғи гуллаганлиги сабабли одатда баландроқ гапиришига тўғри келади (Сўзлашувдан).

*Машаққат тортиб тўққиз ой вужудда эркалаб ва ниҳоят ҳаёт нури берилиши аёл
кишидан катта ирода талаб этади («Пулс 11 41» кўрсатувидан).*

*Биз ҳар бир вужуд, уриб турган ҳар бир ҳаёт тимсоли учун курашяймиз (Ҳамшира
Ирода Элназарова нуткидан).*

*Демак, буюк устун (тана), даракчи белгилар (аура), замонавий тиббиётнинг душмани
(интернет), кўкрак сути (озуқа), мўъжизавий неъмат (она сути), оғиз сути (озуқа), тана
қироли (юррак), тиб илми (тиббиёт), тождор вирус (касаллик), тушсиз уйқу (кома ҳолати),
ширин нафас соҳиби (ўпка), қадди-қомат тахти (бел), қулоғи гуллаган (кар), ҳаёт нури
бериш (эмизиш), ҳаёт тимсоли (инсон) шифокорлар нутқи перифразаларидир.*

Юқорида келтирилган тиббий перифрастик бирликлар жамиятнинг муҳим бўғини
ҳисобланган соҳа вакилларининг касбий фаолияти билан алоқадордир. Айтиш зарурки,
шифокорлар нутқида перифразалар билан айтилиши уят саналган ёки кишини жирканти-
рувчи физиологик жараён ва ҳодисалар, жинсий аъзо номлари кабиларни нутқда ишла-
тиб бўлмаслиги боис уларнинг ўрнида ишлатилувчи уят жой, аврат, нажас, ҳамиладор,
жисмоний яқинлик каби (сиртдан караганда перифразаларга ўхшаш, аммо улардан кескин
фарқланувчи) эвфемизмлар билан тенг баробарда қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қаҳҳор. Муҳаббат. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2016. – Б. 198.
2. «Постда», 2018. № 71. – Б. 24.
3. Тохир Малик. Шайтанат. – Тошкент: O'QITUVCHИ, 2018. 2-жилд. – Б. 735.